

## Тадбиркорлик Таълими Ва Унинг Педагогик Аҳамиятининг Истиқболлари

Анвархон Темиров

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,  
мустақил изланувчи

**Аннотация:** Ушбу мақолада мактаб ўқувчиларида тадбиркорлик компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари ёритиб берилган. Тадқиқотда замонавий таълим жараёнида тадбиркорлик билим ва кўникмаларининг аҳамияти, ўқувчиларда ташаббускорлик, масъулият ва ижтимоий фаоллик каби фазилятларни тарбиялашдаги ўрни таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** тадбиркорлик компетенцияси, ижтимоий фаоллик, мактаб таълими, ташаббускорлик, амалий ўқув жараёни

Замонавий иқтисодиёт ва таълим тизимида тадбиркорлик таълими муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Ёш авлодни ишбилармонликка тайёрлаш, уларда ташаббускорлик руҳини уйғотиш бугунги глобал ўзгаришлар даврида долзарб масалалардан биридир. ЮНЕСКО-UNEVOC маълумотларига кўра, дунёда аҳоли ёшариб бориши, кўплаб мамлакатларда ишсизликнинг ўсиши ва технологиялар туфайли меҳнат бозори ўзгариши келгуси авлоднинг ўзгарувчан дунёга мослашуви учун тадбиркорлик кўникмаларини талаб этмоқда. Бошқача айтганда, тадбиркорлик таълими орқали ёшлар келажакда юзага келадиган янги имкониятлардан фойдаланиш, инновациялар яратиш ва муаммоларни мустақил ҳал этиш қобилиятини шакллантириб боради. Шу боисдан ЮНЕСКО, OECD каби нуфузли ташкилотлар тадбиркорлик таълимини барқарор ривожланиш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этмоқда.

Тадбиркорлик таълими атамаси кенг маънода ишлатилади. ЮНЕСКО ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ILO) томонидан берилган таърифга мувофиқ, тадбиркорлик таълими – “ижтимоий-иқтисодий ривожланишда қатнашишни истаган ҳар қандай шахсга тадбиркорликка оид хабардорликни ошириш, бизнес ташкил этиш ёки кичик бизнесни ривожлантиришга доир лойиҳалар орқали билим ва кўникма беришга қаратилган формал ўқув дарслар мажмуаси” ҳисобланади. Яъни, бу таълим бизнес юритиш асосларини ўргатиш билангина чекланиб қолмай, балки кенгроқ маънода ўқувчиларда шахсий ташаббус, ижодкорлик ва ишонч туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Шу билан бирга, тадбиркорлик таълими таълим тизимининг барча босқичларида татбиқ этилиши мумкин бўлган илму амалий йўналиш ҳисобланади. OECD тадқиқотларида таъкидланишича, тадбиркорликка кенг маънода ёндашиб, уни мактабгача таълимдан бошлаб барча фанлар билан интеграциялаш орқали ҳар бир ўқувчини қамраб олиш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>. Чунки тадбиркорлик фақат ўз бизнесини бошлаш эмас, балки ҳар бир соҳада янгилик яратиш, қиймат юзага чиқариш кўникмасини англатади. Шу боис, жаҳон таълим тизимида тадбиркорлик таълими босқичма-босқич жорий этилмоқда: бошланғич ва ўрта таълимда умумий ташаббускорлик ва ижодкорликка ундовчи машғулотлар шаклида, олий таълимда эса ихтиёрий курслар ёки махсус дастурлар орқали бизнес юритиш компетенциялари ўргатилади.

<sup>1</sup> <https://www.oecd.org/en.html>

Тадбиркорлик таълими ёшларда ишбилармонлик салоҳиятини шакллантиришга хизмат қилади. Халқаро ташкилотлар мазкур таълим орқали бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самараларга эришиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Масалан, OECD ҳисоботида келтирилишича, таълим тизимида тадбиркорликка ўргатиш натижасида иқтисодий ўсиш суръатлари ва бандлик ошиши, жамиятнинг турли ўзгаришларга чидамлилиги ортиши каби натижалар қайд этилган. Шунингдек, ўқувчиларнинг шахсий ривожланиши, мактабга бўлган қизиқиши ортади ҳамда таълимда тенг имкониятлар таъминланишига кўмаклашади. Бошқа тадқиқотларда ҳам тадбиркорлик таълими ёшларнинг келажақда мустақил иш бошлашга мойиллигини кучайтириши, инновацион фикрлаши ва масъулиятни ўз зиммасига олиш қобилиятини ривожлантириши таъкидланган. Масалан, ЮНЕСКОнинг Осиё-Тинч океани бўйича таҳлилларига кўра, тадбиркорлик таълими ёшлар ўртасида ишсизлик муаммосини камайтиришда самарали восита бўлиб, янгича тафаккурга эга, мотивацияси баланд ва замонавий чақириқлардан кўрқмайдиган авлодни шакллантиради. Тадбиркорлик кўникмалари ёшларни фақат ўзига иш яратишгина эмас, балки жамиятда янги иш ўринлари ва инновацион маҳсулот-хизматларни юзага чиқаришга ҳам ундайди. ЮНЕСКО-UNEVOC экспертлари таъкидлаганидек, XXI асрда муваффақиятли фаолият юритиш учун талаб этиладиган кўплаб кўникмалар (масалан, муаммо еча олиш, креатив фикрлаш, жамоада ишлаш) айнан тадбиркорлик фаолияти орқали самарали шаклланади. Зеро, тадбиркорликни ўргатиш ёш авлодда янги ғояларга очиклик, таваккалчиликка тайёрлик ва ўз ғоясини амалга ошириш учун интилувчанликни кучайтиради. Тадбиркорлик таълими анъанавий назариядан кўра кўпроқ амалий машғулотларга йўғрилган бўлиши талаб этилади<sup>2</sup>. Педагогик адабиётларда тадбиркорликка ўқитишда фаол ва интерактив усуллар энг самарали йўл экани қайд этилган. Жаҳон тажрибасида бу таълимда қуйидаги метод ва ёндашувлар кенг қўлланилади:

1. Амалий лойиҳалар ва тренинглари: талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, уларга воқеий бизнес-лойиҳа яратиш вазифасини бериш. Масалан, талаба маълум бир маҳсулот ёки хизмат ғоясини ишлаб чиқиб, уни бозорга чиқариш режасини тайёрлайди. Бундай амалий тажриба уларга бизнесни бошлаш ва юритиш жараёнини бевосита ҳис этиш имконини беради.
2. Кейс-таҳлиллар (вазиятли таҳлиллар): ўқувчиларга турли компаниялар ва тадбиркорлик вазиятлари тўғрисидаги кейслар (амалий мисоллар) тақдим этилиб, уларни таҳлил қилиш ва муаммолар ечими бўйича ўз тақлифларини ишлаб чиқиш сўралади. Бу усул талабаларнинг таҳлилий фикрлашини ва қарор қабул қилиш кўникмасини ривожлантиради.
3. Ролли ўйинлар ва бизнес-симуляциялар: ўқувчилар турли ролларга кириб (масалан, тадбиркор, инвестор, мижоз ролида), махсус ўйинлар орқали бизнес жараёнларини симуляция қиладилар. Масалан, талаба виртуал маблағ орқали стартапни бошлаб, бозор шароитларига кўра қарорлар қабул қилади. Бундай ролли ўйинлар хатолар орқали ўрганишга, ризик ва имкониятларни баҳолашга ўргатади.
4. Гуруҳий иш ва муҳокамалар: талабалар гуруҳларда ишлаб, бирор муаммони биргаликда ҳал этиш ёки янги маҳсулот ғояси устида ишлашади. Жамоавий ишлар уларга етакчилик, коммуникация ва жамоада ишлаш кўникмаларини беради. Гуруҳий муҳокамалар эса бир муаммога бир неча нуқтаи назардан ёндашишни ўргатиб, ижодий ечимларни топишга ёрдам беради.
5. Бизнес ўйинлар ва тренинглари: махсус компьютер ёки стол ўйинлари орқали тадбиркорликнинг турли жиҳатларини ўргатиш йўлга қўйилган. Масалан, бозор шароитига мос равишда компания бошқариш симулятори орқали талабалар ўз қарорларининг оқибатларини кўриб боради.

<sup>2</sup> <https://lex.uz/ru/docs/6811938> указ президента республики Узбекистан, от 21.02.2024 г. № уп-37 о государственной программе по реализации стратегии «Узбекистан — 2030» в «год поддержки молодежи и бизнеса»

Тадқиқотларда Potter (2008) каби муаллифлар тадбиркорликка ўқитишда айнан шундай амалий усулларнинг комплексини таъкидлайди: бизнес-режалар тузиш, кейс-таҳлиллар, талабаларнинг ўз бизнесини бошлаш имкониятларини яратиш, бизнес-ўйинлар, талабалар стартап жамоалари шаклида ишлаш, кичик корхоналарда амалиёт ўташ, бизнес-режаларнинг амалий ижросини баҳолаш, роль ўйнаш ва воқеий бизнес ҳолатларини муҳокама қилиш кабилар. Шу билан бирга, муваффақиятли тадбиркорлик таълимида менторлик ва мутахассисларни жалб этиш ҳам муҳим: тажрибали тадбиркорларни дарсларга меҳмон сифатида чақириб, уларнинг ҳаётий тажрибасидан ўрганиш талабаларга катта таъсир қилади. Кўриниб турибдики, бундай фаол методлар ўқувчиларни реал муаммолар билан юзлаштиради, уларда мустақил қарор чиқариш ва ташаббус кўрсатиш малакасини шакллантиради. Тадбиркорлик таълимида ўқитувчи анъанавий “лекция ўқувчи” эмас, балки йўлбошчи ва рағбатлантирувчи сифатида иштирок этади. Дарҳақиқат, бундай дарсларда ўқитувчидан новаторлик ва фасилитаторлик қобилияти талаб этилади: у ўқувчиларни эркин фикр алмашишга, ғояларни очиқ айтишга, хатодан қўрқмасдан тажриба қилишга чорлаши лозим. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тадбиркорликка ўқитиш жараёнида ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг шахсий салоҳиятини очиб беришга ҳаракат қилиши, фанлараро ва ғайрианъанавий ёндашувларни қўллаши самарали ҳисобланади. Бунда ўқитувчининг ўз малакаси доимий ошириб борилиши муҳим аҳамиятга эга. ЮНЕСКО-UNEVOC маълумотларига кўра, айрим мамлакатларда тадбиркорлик таълими бўйича етук кадрлар етишмаслиги муаммоси мавжуд – хусусан, мактаб ва коллежларда бу фанни ўқитиш учун махсус тайёрланган ўқитувчилар сони камлиги қайд этилган. Шу сабабли халқаро даражада ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларни янги педагогик технологияларга ўргатишга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, Эстония тажрибасида ўқитувчиларни тадбиркорликка ўқитиш учун уларни бир муддат саноат ва бизнес секторларидаги мутахассислар соясида амалий тажриба орттиришга юбориш амалиёти йўлга қўйилган, Данияда эса мактаб ва ўқув юртлари ўртасида тадбиркорлик таълими бўйича тажриба алмашиш тармоғи ташкил этилган бўлиб, ўқитувчилар доимий равишда илғор методлар билан танишиб боришади<sup>3</sup>. Ўқитувчининг ўзи тадбиркорлик соҳасида муайян билим ва кўникмага эга бўлиши, камида иқтисодий тафаккурга эгаллиги унинг дарс сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун кўплаб мамлакатларда ўқитувчилар учун махсус семинарлар, тренинглар ва стажировкалар ташкил қилинмоқда. Ўқитувчи ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва ташаббускорликни ривожлантириш учун турли усуллардан фойдаланади. Аввало, дарс жараёнини шундай қуриш керакки, унда ўқувчилар тайёр ечимларни олмай, балки муаммоларни ўзлари аниқлаб, уларга ечим топиш йўллари тасдиқ қила олсин. Масалан, реал ҳаётдан олинган масалалар бўйича талабаларга мустақил тадқиқ қилиш, гипотеза илгари суриш ва амалий ечим ишлаб чиқиш вазифаси берилиши мумкин. Шу орқали уларда мустақил фикрлаш ва ўз ғоясини ҳимоя қилиш кўникиси шаклланади. Бундан ташқари, ўқитувчи савол-жавоб, муҳокама ва дебат элементларини киритиб, ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатади. Ташаббускорликни оширишда эса ўқитувчининг қўллаб-қувватловчи муносабати муҳим: у ҳар бир ўқувчининг кичик ғоясини ҳам қўллаб, унга ривожлантириш йўлида маслаҳатлар беради. Масалан, халқаро тажриба шуни кўрсатадики, самарали тадбиркорлик дарси учун тренингларни амалий характерга эга қилиб ташкил этиш жуда фойдалидир – яъни ўқувчиларга ҳақиқий вазифа ва лойиҳаларни бериш лозим, шунда уларни бажариш жараёнида ҳақиқий тажриба ортиб, келгусида мустақил равишда ўз бизнес ғоясини амалга оширишга тайёр бўладилар. Айниқса, қизлар ва кам имкониятли ёшларни фаол жараёнларга жалб этиш орқали уларнинг ўз кучига ишончи ошади, “бундан менинг қўлим келмайди” деган тўсиқларни йўқотишга эришилади. Демак, ўқитувчи ўз ролини “ходим” эмас, балки “коуч” ва “ментор” сифатида намоён этганда, ўқувчиларда мустақиллик ва ташаббускорлик

---

<sup>3</sup> Шумпетер И. Теория экономического развития (Исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры). М., 1982. С. 159–170.

руҳи яхшироқ шаклланади<sup>4</sup>. Ўзбекистонда тадбиркорлик таълими соҳасида сўнгги йилларда бир қатор ислохотлар ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, олий ва ўрта махсус таълим тизимида иқтисодиёт ва бизнесга оид фанларнинг ўқув режадаги улуши оширилмоқда, кўплаб университетларда “Тадбиркорлик асослари” каби курслар жорий этилган. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ташкил этилди (2024 йилдан бошлаб фаолият юритади), бу эса тадбиркорликка ихтисослашган кадрларни тайёрлашга хизмат қилади. Шунингдек, хорижий тажриба асосида янги таълим муассасалари очилмоқда: масалан, Туркиянинг Иқтисодиёт ва технологиялар университети (TOBB ETU) билан ҳамкорликда Тошкент давлат иқтисодиёт университети базасида қўшма факультет ташкил этилди. У ерда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб дуал таълим ва масофавий технологиялар асосида замонавий тадбиркорлик таълими йўлга қўйилди. Бундан кўзланган мақсад – халқаро стандартлар даражасидаги ўқув дастурлари орқали ёшларга ишбилармонлик билим ва кўникмалари беришдир. Яна бир мисол, ҳудудларда маҳаллий тадбиркорларни ўқитиш ва қўллаб-қувватлаш дастурлари амалга оширилмоқда.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. <https://lex.uz/ru/docs/6811938> указ президента республики Узбекистан, от 21.02.2024 г. № уп-37 о государственной программе по реализации стратегии «Узбекистан — 2030» в «год поддержки молодежи и бизнеса».
2. Андрианова, Е. Н. Как теория поколений влияет на экономику // Молодой ученый. — 2023. — № 11 (458). — С. 74-76. — URL: <https://moluch.ru/archive/458/100755/> (дата обращения: 29.03.2024).
3. Шумпетер И. Теория экономического развития (Исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры). М., 1982. С. 159–170.
4. Трусова Л. А. Особенности формирования предпринимательских компетенций школьников в условиях социального партнерства. <https://science-education.ru/ru/article/view?id=5757>
5. Самаева Е.В. Развитие малого и среднего бизнеса в России: государственная поддержка и перспективы. // Экономика и предпринимательство, № 11, Москва, 2015 г. [https://elibrary.ru/author\\_items.asp?authorid=687213](https://elibrary.ru/author_items.asp?authorid=687213)
6. Drucker P. F. (1986). Innovation and entrepreneurship: Practice and principles (Perennial Library ed.). New York: Harper & Row. (Original work published 1985). 288 p.
7. Позняков В.П. Предпринимательство как ценность и ценности российских предпринимателей // Россия в глобализирующемся мире: мировоззренческие и социокультурные аспекты / отв. ред. В.С. Степин. Секция философии, социологии, психологии и права Отделения общественных наук РАН. М.: Наука, 2007. С. 513–528.
8. Власов Г.Ю. Развитие молодежного предпринимательства на современном этапе // Российское предпринимательство. 2011. № 10, вып. 2 (194). С. 11–16.
9. Ромашина С.Я. Майер А.А. Педагогическая фасилитация: сущность и пути реализации в образовании Учеб. Пос. –М. 2010–63 с
10. Courtney Lee Weida. “Crafting Creativity & Creating Craft” Adelphi University, New York, USA. 2014 Sense Publishers.p-82
11. Земцов С.П., Чепуренко А.Ю., Баринаева В.А., Красносельских А.Н. Новая предпринимательская политика для России после кризиса 2020 года // Вопросы экономики. — 2020. — № 10. — С. 44—67.

---

<sup>4</sup> Авдеева И.Л., Головина Т.А., Полянин А.В. Государственное регулирование приоритетных направлений предпринимательства в условиях цифровой экономики // Государственное и муниципальное управление. Ученые записки СКАГС. 2018. № 4. С. 13–21.

12. Гершанок Г.А. Жизненный цикл в контексте процесса генерации предпринимателей // Проблемы экономики и менеджмента. 2012. № 9. С. 13–22.